RESPUBLIKA
MILLIY KITOB PALATASI
INV.№


# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 147 (9.491) 2000 йил 15 декабрь, жума ◆ Сотувда эркин нархда





## ДИЛ ИЗҲОРИ

**● Абдуманнон АБДИШУКУРОВ, ҳайдовчи, «Меҳнат шуҳрати» ордени соҳиби:**

– Умрим йўлларда ўтади: баъзан равон ва текис, баъзида эса ўнқир-чўнқир. Шукроналар бўлсинки, истиқлолимиз боис шаҳримиз кўчалари таниб бўлмас даражада қиёфа касб этди. Албатта, кириб келаётган янги асрга эзгулик, яхшилик, янгилик билан, эркимиз қўлимизда, тилимиз ва динимизни қадрлаб кириб боришимиз бир олам бахт. Касбим шуни тақозо этгани боис, доимо одамлар даврасидаман. Меҳр-оқибат тикланиб бораётганлиги, урф-одатларимизнинг қадр топаётганини кўриб қувонаман. Шуни истардимки, Олий Мажлиснинг кечаги сессиясида ҳам таъкидланганидек, келаётган XXI асрда барчанинг истаги ижобат бўлсин, орадан меҳр кўтарилмасин.

**● Жалолиддин ИСОМОВ, «Шуҳрат» медали соҳиби:**

– Мен «Яшаяпсанми, ўзингдан яхши из қолдир» деган нақлга амал қиламан. XX аср парламентимизнинг кечаги сессиясида уқтириб ўтилганидек, юртимиз ҳаётида янги, улкан, равон излар пайдо бўлганлиги қалбимни фахрга тўлдиради. Бу ойдин излар – Ўзбекистон мустақиллиги, уни кўплаб давлатларнинг тан олиши, доно ва элсевар йўлбошчининг бизга насиб этганлиги. Иншооллоҳ, XXI асрда ҳам йўлларимиз равон, дилларимиз равшан бўлади. Энг муҳими, ҳар бир инсон қутлуғ йилга тоза кўнгил, пок ният билан қадам қўйсин. Истардимки, келаётган йиллар юртимизга ўзининг энг яхши эҳсонларини тортиқ этсин.

**● Муҳтабар ҚОСИМОВА, шифокор:**

– Сиҳат-саломатлик энг буюк неъматлардан биридир. Мустақиллик йилларида тиббиёт соҳасида ҳам катта ўзгаришлар юз берди. Соғлом авлодни вужудга келтириш, фарзандларимизни ҳар томонлама баркамол қилиб вояга етказишда шифокорларнинг ўрни ҳам беқиёсдир. Менга икки асрни кўриш насиб этаётганидан, «Соғлом авлод» Давлат дастурини бажаришга ҳисса қўшаётганимдан фахрланаман. Ишонаманки, янги асрда юртимизда Алпомишу Барчинойлар даври бўлади.

**● Жамшид КАРИМОВ, Тошкент молия институти 1-босқич талабаси:**

– Ўзим туғилган асрнинг сўнгги йилида орзуим ушалиб талаба бўлдим. Ёшлар учун Юртбошимиз томонидан кўрсатилаётган кенг имкониятлар, чексиз ғамхўрликлар, барча шарт-шароитлар мени билим чўққиларини эгаллашга ундайди. XXI асрда жаҳоннинг нуфузли билим масканида таълим олиш, республикамиз учун энг керакли инсон бўлиб етишиш насиб этишини ният қиламан. Тенгдошларим ўз аждодлари кимлигини яна бир карра исботлашини дилдилдан истайман.

# Буюк мақсадимиз: ВАТАН тараққиёти, ЮРТ тинчлиги, ХАЛҚ фаровонлиги



*Ватанимиз келажаги фақат ўзимизга, фидокорона бунёдкорлик меҳнатимизга, Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва хавфсизликни сақлай олишимизга боғлиқдир.*

**Ислом КАРИМОВ**







## Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўртинчи сессияси тўғрисида АХБОРОТ

Тошкентда 14 декабрь куни иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўртинчи сессияси бошланди.

Парламент сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этмоқда.

Мажлислар залида Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, республика ташкилотлари раҳбарлари, хорижий давлатлар элчилари ва дипломатик корпус вакиллари, хорижий ва республика оммавий-ахборот воситалари мухбирлари ҳозир бўлишди.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошқармоқда.

Олий Мажлис сессиянинг ишчи органи - котибиятни сайлади, кун тартибини тасдиқлади.

Марказий сайлов комиссиясининг раиси Н.Комилов айрим сайлов округларида бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари сайлови якунлари тўғрисида ахборот берди.

Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси, Ўзбекистон халқ шоири Э.Воҳидовга сўз берилди. У парламент депутатлари гуруҳи томонидан тайёрланган Олий Мажлиснинг Ўзбекистон халқига Мурожаати матнини ўқиб эшиттирди.

Муҳокамада Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси А.Орипов, Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг бош директори В.Сигедин, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси бошқарувининг раиси О.Мусурмонова, Имом ал Бухорий халқаро жамғармаси бошқарувининг раиси З.Мунавваров, Тахтакўпир тумани "Тахтакўпир" ширкат хўжалиги раиси А.Одилов, "Қизилқумнодирметаллолтин" давлат концерни раиси Н.Кучерский, парлементнинг Матбуот ва ахборот қўмитаси раисининг ўринбосари И.Ғофуров, Республика "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик марказининг Хоразм вилояти бўлими бошлиғи Г.Ибодуллаева, Тошкент клиник тез ёрдам касалхонасининг бош шифокори Т.Миродилов иштирок этди.

Улар Олий Мажлиснинг Ўзбекистон халқига Мурожаатини қабул қилиш ҳақидаги таклифни қизғин қўллаб-қуватлашди.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга берилди. Давлатимиз раҳбари парламентнинг халқимизга Мурожаатининг моҳиятини чуқур ва ҳар томонлама очиб берди, мустақил Ўзбекистоннинг янги минг йилликка қадам қўйишидек тарихий ҳодисанинг муҳимлигини, янгиланиш, давлатимизнинг янада тараққий этиши ва фаровонлигига эришиши учун аниқ ва амалий мақсадларни белгилаб олиш зарурлигини қайд этди. Президентимиз алоҳида таъкидлаганидек, Ватанимиз келажаги фақат ўзимизга, фидокорона бунёдкорлик меҳнатимизга, Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва хавфсизликни сақлай олишимизга боғлиқдир.

Депутатлар Олий Мажлиснинг Ўзбекистон халқига Мурожаатини қабул қилишди (матбуотда эълон қилинади).

Молия вазири М.Нурмуродов Ўзбекистон Республикасининг 2001 йилга мўлжалланган Давлат бюджети лойиҳаси ҳақида маъруза қилди. Ушбу масала бўйича Олий Мажлиснинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси А.Аҳадов қўшимча маъруза қилди.

Мамлакатимизнинг асосий молиявий ҳужжатини муҳокама қилишда Наманган шаҳри ҳокими М.Тожибоев, Нарпай тумани "Пахтакор овози" газетасининг бош муҳаррири Т.Тошмуродов, Андижон вилояти "Андижон" нашриёти директори Х.Нуғмонов, Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси М.Собиров, "Янгийўл ёғ-мой" ҳиссадорлик жамияти директори М.Худоёров иштирок этишди. Парламент Ўзбекистон Республикасининг 2001 йилга мўлжалланган Давлат бюджетини маъқуллади.

Сессиянинг кечки мажлиси Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси А.Аҳадовнинг иккинчи ўқишда кўриб чиқилаётган "Бюджет тизими тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси ҳақидаги маърузаси билан бошланди. Учқўрғон тумани ҳокими Б.Охунов, "Мубораакнефтгаз" нефтгаз конлари бошқармаси бошлиғи Н.Зайниев, Қумқўрғон тумани ҳокими Н.Чориев, "Комплекс тематик экспедиция" очиқ турдаги акциядорлик жамияти бошқарувининг раиси Т.Бобожонов, Қарши тумани ҳокими С.Хайруллаев ушбу ҳужжат тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Депутатлар қонунни қабул қилишди.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н.Исмоилов депутатларга иккинчи ўқишда кўриб чиқилаётган "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги" Қонун лойиҳасини ўқиб эшиттирди. Лойиҳани муҳокама этишда "Бухороёғ" очиқ турдаги акциядорлик жамиятининг раиси М.Зайниев, Имом ал Бухорий халқаро жамғармаси бошқаруви раиси З.Мунавваров, Марғилон шаҳри ҳокими А.Акромов, "Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг" компанияси бошқаруви раиси Р.Матчонов, "Ўзкимёсаноатлойиҳа" илмий-текшириш ва лойиҳалаштириш институтининг Чирчиқ филиали директори Х.Назаров иштирок этди. Депутатлар ушбу қонунни қабул қилишди.

Иккинчи ўқишда киритилган янги таҳрирдаги "Судлар тўғрисида"ги Қонун лойиҳасини Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари, Ўзбекистон судялари ассоциацияси раиси О.Тўхташев депутатлар ҳукмига ҳавола этди. Ушбу масала юзасидан ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши биринчи котиби Ф.Омонов, Янгибозор тумани ҳокими Э.Юсупов, Сурхондарё вилоят офталмология шифохонаси бош врачи Р.Мухаммадиев сўзга чиқди. Олий Мажлис янги таҳрирдаги "Судлар тўғрисида"ги Қонунни қабул қилди.

Депутатлар янги таҳрирдаги "Судлар тўғрисида"ги Қонун қабул қилиниши муносабати билан Жиноят-процессуал, Хўжалик-процессуал ва Фуқаролик-процессуал кодексларига, шунингдек, судяларнинг малака ҳайъатлари, судяларнинг малакавий тоифалари, суд ходимларининг мансаб тоифалари, ҳарбий судлар фаолиятини ташкил қилиш тўғрисидаги Низомларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритди.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н.Исмоилов янги таҳрирдаги "Прокуратура тўғрисида"ги Қонун лойиҳасини депутатлар эътиборига ҳавола этди. Фарғона шаҳри ҳокими А.Мўминов, Самарқанд давлат университети ректори Р.Холмуродов, Оқдарё тумани Мирзо Улуғбек номли 2-ўрта мактаб директори Ж.Исроилов, "Андижоннома" ва "Андижанская правда" газеталарининг бош муҳаррири Н.Саидовнинг сўзга чиқишларидан кейин парламент янги таҳрирдаги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллади.

Иккинчи ўқишда кўрилаётган "Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси юзасидан Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов маъруза қилди.

Ушбу қонун лойиҳаси бўйича "Хуррият" газетасининг бош муҳаррири Х.Дўстмуҳамедов, "Новатор" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси директорлар кенгашининг раиси А.Матвеев, Олий Мажлиснинг Ёшлар ишлари қўмитаси аъзоси Н.Қамбаров, Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг масъул котиби – "Маънавият ва маърифат" маркази раҳбари А.Болиев сўзга чиқди. Олий Мажлис Қонунни қабул қилди.

Бугун сессия ўз ишини давом эттирди.

**Рўзмат Жуманиёзов,**
**Муҳаммад Амин (ЎзА) суратга олган.**

## ДАВР САДОСИ

«Тошкент оқшоми»

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига АТП Тур ижрочи директори Марк Майлздан мактуб келди. Унда Ўзбекистон Республикаси «Президент Кубоги» теннис турнири иккинчи бор «Устунлиги учун мукофот»га сазовор бўлганлиги маълум қилинади.

● Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги йўл ҳаракати хавфсизлиги комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

● Осиё Тараққиёт банки директорлари кенгаши Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун 50 миллион АҚШ доллари миқдоридаги иккинчи кредит линиясини очишга қарор қилди. Мазкур маблағ Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, «Асакабанк», «Пахтабанк» орқали қайта молияланади.

● Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмасида XX аср Марказий Осиё шеъриятида қиссахонлиги билан ўлмас из қолдирган сиймо, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири Содиқ Нурумбетов таваллудининг 100 йиллигига бағишланган адабий кеча бўлиб ўтди.

● Ажиниёз номидаги Нукус Давлат педагогика институтида ҳассос ўзбек шоири Миртемир таваллудининг 90 йиллигига бағишланган хотира кечаси ўтказилди.

● Республика Маданият ишлари вазирлиги Мухтор Ашрафий номидаги Бухоро санъат билим юртига Япониянинг машҳур «Ямаха» фирмаси тамғаси билан ишлаб чиқарилган энг замонавий овоз ёзиш студиясини совға қилди.

● Ўзбекистон Миллий университети маданият саройида университет хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Маънавият ва маърифат маркази ташаббуси билан «Ҳуқуқбузарлик ва аёллар» мавзуида давра суҳбати уюштирилди.

● Тошкент солиқ коллежи битирувчилари қасамёд қабул қилишди.

● «Экосан» Халқаро фонди Тошкент шаҳар бўлими ва пойтахт Халқ таълими бош бошқармаси томонидан шаҳар мактаблари ўртасида ўтказилган «Бизнинг келажагимиз ва экология» мавзуидаги кўрик-танлов якунланди.

### ЖАҲОНДА

● **Кеча** Америка Қўшма Штатларининг 43-Президенти номи маълум бўлди. Узоқ давом этган тортишувлардан сўнг республикачи, Техас штати губернатори Жорж Буш муросасиз кечган курашда ғолиб деб топилди. Демократлардан номзоди кўрсатилган АҚШ вице-президенти Альберт Гор телевидение орқали Америка халқига мурожаат қилиб, ўзининг мағлубиятга учраганини тан олди.

● **Бугун** Украинада Чернобиль атом электр станциясини тўлалигича ёпиш маросими бўлиб ўтади. Унда Украина Президенти Л. Кучма ва Бош вазир В. Юшченко билан энергетика тармоғи муаммоси бўйича музокаралар олиб бориш учун бу ерга келган Россия Федерацияси Бош вазири М. Касьянов қатнашади.

● **Бугун** Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Минск гуруҳи ҳамраислигида Арманистон ва Озарбайжон мудофаа вазирлари учрашиб, Тоғли Қорабоғда ўт очишни тўхтатиш тадбирини сақлаш ва мустаҳкамлаш масалаларини муҳокама қиладилар.

● Қирғизистонда Республика ҳукумати интеллектуал мулкка дахлдор бўлган товарлар юзасидан махсус божхона назорати тартибини жорий этди.

● Қозоғистон Марказий кредит банки мамлакат бозорида молия хизмати кўрсатишнинг «Тез ўтказиш» деб номланган янги электрон тизимини йўлга қўйди.

● Прага шаҳар суди Адольф Гитлернинг «Mein Kampf» китоби таржимасининг ношири Михаил Зитекка нисбатан ҳукм чиқарди. Суд уни инсон ҳуқуқ ва эркинликларини поймол қилувчи ҳаракатларни тарғиб қилишда ҳамда қўллаб-қувватлашда айбдор деб топган.

● АҚШнинг Шимолий Каролина штатида мамлакат ҳарбий-денгиз қўшинига қарашли MV-22 Osprey вертолёти ҳалокатга учради.

● Россия Президенти Владимир Путин жосусликда айбланиб, 20 йил қамоқ жазосига тортилган АҚШ фуқароси Эдмонд Коупни авф этиш тўғрисидаги Фармонни эълон қилди.

● **Кеча** Индонезиядан Австралияга бораётган икки кема тўқнашиб кетди. Натижада 163 киши ҳалок бўлди.

● **Кеча** Тбилисида Рихтер ўлчови бўйича 4-5 балли куч билан ер силкиниши қайд этилди. Жабрланганлар ва ҳалок бўлганлар ҳақида маълумот йўқ.

*Бугун Тошкентда Қорақалпоғистон Республикаси маданияти кунлари бошланади*

## ҚАЛБЛАРИМИЗ ҚУВОНЧГА ТЎЛДИ



**Хонимжон РАЖАБОВА, Қорақалпоғистон Республикаси Амударё тумани ҳокимининг ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси:**

– Бизнинг бугун Тошкент шаҳрига ташриф буюрганимиздан қалбларимиз бениҳоя қувончга тўлди. Мана шундай қутлуғ кунларда, янги аср арафасида қадрдон ўзбек халқи билан учрашиш катта бахт. Мен Тошкентни Қорақалпоғистондан айри тасаввур қилолмайман. Тошкентни ўз она юртимдек соғиниб келаман. Чунки шу жаннатмакон ўлкада таълим олдим. Журналист бўлиб етишдим. Шу халқнинг нон-тузини еб, униб ўсдим. Бундан чексиз фахрланаман. Жуда кўп мақолаларим шаҳар газеталарида чоп қилинган. Ўзбек ва қорақалпоқ қадимдан оға-ини, дўст-биродар, тилимиз, дилимиз бир, дўстлик ипларимиз мустаҳкам.

*Сўз – меҳмонларга*

**Гулистон МАТЁҚУБОВА, Бердақ номидаги Давлат мукофоти совриндори, шоира:**

– Янги минг йиллик арафасида Тошкент шаҳрида Қорақалпоғистон Республикаси маданияти кунларининг ўтказилиши биз учун катта тантана, байрамдир. Кўп йиллардан буён давом этиб келаётган икки қардош халқларнинг дўстлик-биродарлиги, мана шу маданият кунларининг ўтказилиши қорақалпоқ халқига бўлган самимий ҳурмат ва эътиборнинг ифодаси деб ўйлайман. Янада чирой очиб, равнақи ошиб бораётган Тошкент шаҳрига келиб, Навоий номли театр майдонида қурилган қорақалпоқ ўтовларини кўриб беҳад қувондик. Бу ўтовлар дўстлигимизни, қардош оға-ини эканимизни яна бир карра исбот этиб турибди.

Мақсадимиз, маданият кунларида Мустақиллик йилларида эришилган ютуқларимизни намойиш этиш. Бу дўстлик-биродарлик учрашувларимиз икки халқнинг маданий ҳаётида катта унутилмас воқеа бўлиб қолади.

**Дилором ИКРОМОВА суҳбатлашди.**

**● Тошкентда Қорақалпоғистон Республикаси маданияти кунларининг бошланишига бағишланган бошқа материалларни газетанинг 3-саҳифасида ўқийсиз.**

*Метро*

# ЎРТА ОСИЁДА ЯГОНА



Метро – транспортлар ичида тезюрарлиги-ю ўзининг ҳар томонлама қулайликлари билан аллақачон барчанинг қалбидан жой олган. Айниқса, шаҳримиз аҳолисини манзилларига ўз вақтида бехавотир етиб боришида ушбу транспортнинг хизмати бениҳоя каттадир. Негаки мактабингизга ёки ишхонангизга ўз вақтида етиб борганингизга нима ҳам етсин. Шундай пайтларда бу соҳа заҳматкашларига ич-ичингиздан раҳматлар айтасиз.

Чунончи метрополитен Юнусобод йўналишининг қурилиши бошланиши ҳам ҳамшаҳарларимизни янада қувонтирган эди. Айни кунларда ушбу йўналишда иш қизғин паллада. Қурилишнинг асосий қисми тугалланиб, унинг якунланишига ҳам оз фурсат қолган. Ҳозирда айниқса Миробод, Мирзо Улуғбек ва Юнусобод туманларининг туташган жойларида бу ишлар ниҳоялаб бормоқда.

Янги йўналишдаги метро бекатлари ичида ўзининг бетакрор архитектураси, дизайни билан «Мингўрик» метро бекати бошқаларидан ажралиб туради. У шинам, баланд, кўркам ва барча талаблар даражасида қурилмоқда.

Мазкур бекат қурилишида шаҳримиздаги 1-қурилиш бошқармаси ишчи-хизматчилари жонбозлик кўрсатмоқда. Тажрибали муҳандис Абдуманнон Эшонхўжаевдек ўз касбини ардоқловчи мутахассислар берилган топшириқларни сидқидилдан адо этиб келмоқда. Бу албатта энг аввало қурувчиларга бошқарма томонидан барча шарт-шароитлар яратилганлигининг натижасидир. Уларнинг уюшқоқлик билан ишлашлари, ўз касбларига садоқат билан ёндошишлари ишдаги муваффақиятлар омили бўлмоқда.

«Тошметроқурилиш» тресто бунёдкорларининг меҳнатлари билан барпо этилаётган янги метро йўналиши нафақат халқимизнинг узоғини яқин қилишда, балки Ўзбекистон пойтахти Тошкентимизнинг чиройига чирой қўшиб, мамлакат иқтисодиёти юксалишида ҳам ўзига хос ўрин эгаллайди.

**Очил ҲАЗРАТОВ.**

**СУРАТЛАРДА: (юқорида) тажрибали муҳандис Абдуманнон Эшонхўжаев шогирди Алексей Зайцевга янги топшириқлар бермоқда; метро қурилишидан лавҳалар.**

**Сергей Любчич олган суратлар.**





*Тошкент шаҳар Кенгашининг доимий комиссияларида*

# ТИББИЁТ МАСАЛАЛАРИ – ДЕПУТАТЛАР ЭЪТИБОРИДА

Илгари маълум қилганимиздек, Тошкент шаҳар Кенгашида долзарб масалалар бўйича еттита доимий комиссия фаолият кўрсатиб, белгиланган йўналишларига асосан қатор тадбирлар ўтказиб келмоқда ва таъкидлаб айтиш мумкинки, қисқа вақт — бир йил ичида депутатлар комиссиялар доирасида муайян натижаларга эришишга муваффақ бўлди.

Мазкур комиссиялар қилаётган ишлари самарадорлигини ошириш учун мутасадди раҳбарлар билан биргаликда муҳим соҳалар устида таҳлиллар ўтказиб, аниқ таклифлар ҳам киритишга эришмоқда. Хусусан, иккинчи чақириқ халқ депутатларининг Тошкент шаҳар Кенгашининг иккинчи сессиясида пойтахтда соғлиқни сақлаш тизимида ислоҳотлар давлат дастурига асосан ҳаётга қандай жорий этилаётгани ҳақида маъруза тингланиб, унинг муҳокамаси пайтида депутатлар томонидан бу муҳим соҳадаги барча камчиликлар ошкора айтилиб, амалий чоралар хусусида фикрлар билдирилди ва улар асосида тегишли қарорлар қабул қилинди.

Айтиб ўтиш жоизки, бу мавзу Тошкент шаҳар Кенгашининг ижтимоий маданий ривожланиш масалалари бўйича комиссиянинг мунтазам диққат-эътиборида бўлиб қолмоқда. Депутатлар бу борада қилинаётган ишларнинг баридан нафақат хабардор, балки улар соғлиқни сақлаш тизимида ислоҳотларнинг силжишида янги имкониятлар излашга астойдил ёндошиб ҳаракат қилмоқдалар.

Мазкур комиссиянинг яқинда ўтган йиғилиши ҳам айнан шу мавзуга бағишланди. Унда ўтган икки йил давомида пойтахтда соғлиқни сақлаш тизимида давлат дастурининг йўналишлари соҳаларида қандай таъминланаётгани тўла ўрганилиб чиқилди.

Комиссия аъзоси, депутат Х.Оқиловнинг баён қилган таҳлили бўйича шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси тизимида 8,5 минг шифокор ва 17,9 минг ўрта тиббиёт ходимлари бўлиб, даволаш-профилактика муассасаларида кадрлар билан таъминлаш бугунги кунда 89,6 фоиз шифокорларни, 88 фоиз ўрта даража тиббиёт мутахассисларини ташкил қилади. Шифокорларнинг 56 фоизи олий ва биринчи тоифали мутахассислардир. Дастурга биноан кадрлар малакасини ошириш, умумий амалиёт врачларини тайёрлаш борасида бугунга қадар 40 та врач умумамалий асосида малака ошириш курсларини ўтган ҳамда бу соҳага 200 та ёш мутахассислар — тиббиёт олий юртларини битирганлардан қабул қилинган.

Давлат дастурининг муҳим йўналишларидан бири — тизимнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга жорий йилга ажратилган 745,5 миллион сўмнинг 83 фоизи ўзлаштирилган, шу билан бирга қурилиш ва таъмирлаш ишларига 61 миллион сўм ажратилган бўлиб, ҳозирда ундан 50 миллион сўми ўзлаштирилган. Айтиб ўтиш керакки, дастурга асосан жойларда қурилиши белгиланган 6 та маҳаллий врачлик пунктларидан тўрттаси фойдаланишга топширилган.

Бундан ташқари, Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси тизимининг ривожланишига бюджет ҳисобидан ажратилган 5260 миллион сўмнинг 46,2 фоизи амбулатор поликлиника хизматини молиялаштиришга йўналтирилган.

Тиббиёт амалиётига хўжалик ҳисобидаги юқори савияли хизматни жорий этиш мақсадида ҳозирги кунда пойтахтда 281 нодавлат тиббиёт муассасалари ҳамда лицензия асосида 174 якка тартибда врачлар фаолият кўрсатмоқда. Ўтган давр ичида нодавлат сектори томонидан 385,7 минг беморга 920 миллион сўмлик тиббий хизмат кўрсатилган. Имтиёзли хизматлар 10 фоизни ташкил қилган.

Айтиб ўтиш жоизки, шу йилнинг бошидан режага биноан даволаш-профилактика муассасаларининг 15 фоизи ўзини ўзи молиялаштиришга ўтказилган. Шаҳардаги 7-туғруқ мажмуаси тўла ўзини ўзи молиялаштиришни режалаштириб, ҳозирда бу ерда 70 та пулли ўрин мавжуд, бошқа муассасаларда умумий 127 та пулли ўринлар бор. Якуний ҳисобларга қараганда бу хизмат бўйича режадаги 18,6 миллион сўм ўрнига 32,7 миллион сўм даромад олинган.

Тиббиёт муассасалари томонидан «Соғлом авлод» Давлат дастурини бажариш борасида ҳам амалий тадбирлар олиб борилмоқда ва бу йўналишда асосан болаларнинг ва туғиш ёшидаги аёлларнинг соғлиғини тиклаш ва муҳофаза қилиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва ривожланишига оид масалалар ҳал этилмоқда.

Эришилган ижобий натижаларни изоҳлаш билан бирга депутат Х.Оқилов далиллар асосидаги таҳлилларида аёллар соғлиғининг яхшиланишида мутахассислар томонидан ҳали кўп ишлар қилинишидан ташқари, биринчи галда врачлардан кўрсатаётган хизматлари сифатининг юқори даражада бўлишини талаб қилиш керак, деб уқтирди. Бундан ташқари, санитария-эпидемиология масалаларида ҳам огоҳлик тадбирларининг янада чуқурроқ ўтказилиши, айниқса юқумли касалликлар қўзғалган пайтда аҳамиятни кучайтириш долзарб мавзуга айланиши кераклигини таъкидлаб ўтди.

Комиссия йиғилишида яна бир муҳим масала — бемор ва тиббиёт муассасаларини дори-дармон билан таъминлаш етарли даражада эмаслиги рақамлар асосида келтирилиб, бундай ҳолнинг олдини олишда айрим муаммолар тўсиқ бўлаётгани, уларни бартараф қилиш йўллари ҳақида шу соҳа мутахассисларининг фикр ва мулоҳазалари ҳам депутатлар томонидан эътироф этилди. Йиғилиш кун тартибидаги масалалар хусусида билдирилган аксарият таклифлар инобатга олиниб, унинг айримлари комиссия томонидан кўриб чиқилиши учун тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА.**

*Нишондорларимиз*

# МУКОФОТГА МУНОСИБ



Чеварларни бежиз «Гўзаллик яратувчилар» деб атамаймиз. Чинданда моҳир тикувчи тиккан либос одамнинг кўркига кўрк қўшиб, чиройини ўн чандон оширади. Бунинг учун тикувчида қунт ва уқув, касбига меҳр, шу билан биргаликда одамларга муҳаббат бўлмоғи зарур. Ана шунда ҳар бир тиккан либоси қатига муҳаббатини ҳам қўшиб чатади.

«Юлдуз» ҳиссадорлик жамиятида меҳнат қилаётган Муҳайё Алиева ана шундай чеварлик ҳунарини ардоқлаб ўзи ҳам эъзоз топаётган тикувчилардан саналади. Шунинг учун ҳам унинг 21 йиллик меҳнати қадрланиб, эл-юрт олқишига сазовор бўлди, қутлуғ Мустақиллик байрами чевар учун ҳар қачонгидан қувончли келди. Ҳамкасблари уни «Шуҳрат» медалига муносиб топилганлиги билан кутлашди. Албатта, бундан унинг кўнгли тоғдек кўтарилди, янаям баракали меҳнат қилишга, кўпроқ ёш шогирдлар тайёрлашга аҳд қилди.

— Ўзбек аёли ўзи азалдан тадбиркор, — дейди Муҳайё Алиева. — Бичиш-тикишни билмаган аёл топилмаса керак. Мана менинг ҳунарим ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида жудаям қўл келади. Ишхонадан ташқари уйда ҳам фарзандларимга, танишларимга бежирим либослар тика оламан. Бу, албатта оила иқтисоди учун фойда келтиради.

Муҳайё 3-тикув цехининг энг илғор чеварларидан, 12 хотин-қиз тикувчининг сардори ҳисобланади. Цехда тайёрланаётган маҳсулот — эркакларнинг костюм-шимлари мана шу чеварларнинг қўлидан чиқади. 1980 йилда ўқувчи-шогирд бўлиб ишга келган ҳамда устози Лола Турсуновадан ҳунар сирларини қунт билан ўрганган Муҳайё Алиева бугун ўз дастгоҳида барча тикиш операцияларини бажара олади.

— Цехимизда 150 нафар тикувчи меҳнат қилади, — дейди цех бошлиғи Дилором Аъзамова. — Чеварларимиз, албатта, ўз тикув машиналарини авайлаб асрашади, маҳсулот сифатига алоҳида аҳамият беришади. Чунки бугун сифатли, рақобатбардош маҳсулот тайёрламаган корхона ўз харидорини йўқотиши аниқ. Муҳайё етакчилик қилаётган звено қизлари ҳамиша илғорлар сафида. Бунга асосий сабаб звено бошлиғининг масъулиятни чуқур ҳис этишида, ўзининг жамоадошларига ўрнак бўлишида.

«От изини той босар» дейди доно халқимиз. Муҳайёнинг шогирдлари ҳам бисёр. Бундан илғор тикувчи чексиз қувонади. Чунки ўринбосарлар — унинг эртанги ишининг давомчилари.

— Истардимки, «Юлдуз»имиз яна илгаригидек нафақат республикамизда, балки хорижда ҳам ўз маҳсулотлари билан машҳур бўлсин, — дейди ўз дил сўзларини изҳор этар экан Муҳайё Алиева. — Бизнинг куч-ғайратга тўла моҳир чеварларимиз жаҳон андозалари даражасидаги маҳсулотларни тика олади. Фақат сифатли хом ашё — костюмбоп матолар тайёрловчи корхоналар ўзимизда ҳам кўпайса жуда кўнгилдагидек бўларди.

Муҳайёхонни чин дилдан табриклаб унинг қувончига шерик бўлаётган Васила Иброҳимова, Зуҳра Бойматова, Фотима Азизова, Дилбар Тоҳирова сингари қўли гул чеварлар ҳам унинг истагига қўшилишиб, бугунги асосий мақсадлари — энг замонавий, чиройли, бежирим либосларни тикиб, харидор талабини қондириш эканлигини бир овоздан таъкидлашди.

**Шарифа ИЛЁСОВА.**

**СУРАТДА: Муҳайё Алиева ҳамиша яхши кайфият билан ишлайди.**

*Таълим*

# «КИЧИК АКАДЕМИЯ»ДА ИЛМИЙ ҲИМОЯ

Тошкентдаги 216-мактаб тарих фанига ихтисослаштирилган билим даргоҳи сифатида шаҳримизда яхши танилган. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тарих институти томонидан оталиққа олинган бу мактаб изланувчан толиби илмлар учун «Кичик академия» вазифасини ҳам ўтамоқда.

Унда иқтидорли ўқувчилар Ўзбекистоннинг кўҳна тарихини ўрганиш ва тадқиқ этиш бўйича илмий ишларга қўл уриб, ўзларини кичик ижодий ҳимояга тайёрламоқдалар.

«Ҳақиқий тарихимизни ўрганишда фан ва таълим уйғунлиги» деган мавзуда доимий ҳаракатдаги илмий семинарнинг навбатдаги машғулоти ҳам мазмунли ўтди. Унда «Кичик академия»нинг «ўқувчи-аспиранти» Азимхўжа Рустамхўжаев «Ҳуқуқий демократик жамият қуришда Абу Мансур ал-Мотуридий илмий ижодидаги ҳуқуқий ва маънавий қадриятлардан фойдаланиш» деган мавзудаги тадқиқотини илмий ҳимоя қилди. Унинг бу изланишига тарихчи олимлар яхши баҳо беришди.

«Кичик академия»да шуғулланаётган яна қатор ёш тадқиқотчилар ижодий ҳимояга ўз ишларини тақдим этишди.

**Анвар ВАЛИЕВ.**

*Шанбадан шанбагача: мунажжим тавсиялари*

# ҲАФТАНГИЗ ХАЙРЛИ КЕЛСИН

● **16 декабрь — шанба (Ойнинг 21/22 куни).** Янги билимларни эгаллаш учун ғоят қулай кун. Мазкур кеча-кундузнинг ахборот-энергетика таркиби инсоннинг интеллуктуал қобилиятларини ўстиришга мойиллик туғдиради. Имкониятни қўлдан бой берманг.

Бугунги кунда бирон-бир нохушлик юз бермайди, лекин бироз эътиборли бўлиш талаб этилади. Тўғри ичак ва ички моддалар алмашинуви аъзолари заифлашади. Юқумли касалликларнинг хуруж қилиш эҳтимоли бор. Юқори нафас йўлларини даволаш тавсия этилади. Асабларингизга ортиқча юк туширманг.

Тушларингиз пуч бўлиб, улар таъбирига куч ва вақт сарфлашнинг ҳожати йўқ.

● **17 декабрь — якшанба (Ойнинг 22/23 куни).** Мазкур кеча-кундуздаги Ой сайёрасининг кучли таъсири одамни зўравонлик ва тажовузларга йўллайди. Бундай кайфиятга берилмасликка ҳаракат қилинг. Яқинларингизга ҳамдард ва меҳр-шафқатли бўлинг, имкон қадар камтар ва майин бўлишга интилинг.

Бугун айниқса кекса ва заиф кишиларнинг умумий ҳолатлари ёмонлашиши мумкин. Кучли таъсир этувчи дорилар, биоэнергетика, шифобахш ўсимликлар фойдали бўлади. Тишларни даволатиш, сунъийларини қўйдириш, косметик операциялар тавсия этилмайди. Ўт пуфагини тозаловчи муолажаларни амалга ошириш мумкин.

Тушларингиз яқин келажакда ҳаётингизда рўй бериши мумкин бўлган жиддий ўзгаришлардан хабар беради.

● **18 декабрь — душанба (Ойнинг 23 куни).** Ойнинг 23 кунида табиат кучлари янгиланишига йўналтирилган бўлади. Инсон ахборот-энергетика таркибида ҳам шу жараёнлар кечади. Ҳар қандай ташаббус, янгиликлар ва хаёлпарастликлар учун бу кун ғоят қулай келади. Уйда ва дўстона мулоқотларда уйғунлик ҳукм суради.

Пешоб йўллари, тўғри ичак хасталиклари хуруж қилади. Бош, мия ва кўзлар хасталикка мойил бўлади. Тилдан қолиш, хотирани йўқотиш эҳтимоли бор. Сурункали юқумли ва шамоллаш хасталиклари зўрайиши мумкин. Нафас йўллари касалланган кишилар айниқса, эҳтиёткор бўлишлари керак. Бугунги кун буйраклар ва сийдик пуфагини тозалаш учун қулай келади.

Тушларингиз ўнгидан келмаса-да, келажак ҳақида муҳим хабарлар беради.

● **19 декабрь — сешанба (Ойнинг 23/24 куни).** Шу кеча-кундузда табиат кучлари ва бинобарин, бизнинг ҳам куч-қудратимиз уйғонади. Янги ишларни режалаштириш, келажак ҳақида жиддий ўйлаб олиш керак бўлади. Шу кунги ҳар қандай бошлаган ишингиз яқин келажакда ҳам, анча вақт ўтгандан кейин ҳам ажойиб натижалар беради.

Томоқ, товуш пайлари ва қалқонсимон безда жарроҳлик операциясига йўл қўйиб бўлмайди. Бод хасталиги ҳамда умуртқадаги турли оғриқлар безовта қилиши мумкин. Нафас олиш машқлари билан шуғулланиш, ўпка ва бронхларда даволаш муолажаларини ўтказиш тавсия этилади.

Тушларингиз куч-қувватингиз жойидами ёки йўқми — шу ҳақда хабар беради. Агар ёқимли туш кўрсангиз — хавотир олманг.

● **20 декабрь — чоршанба (Ойнинг 24/25 куни).** Ой сайёрасининг шу кунги таъсири табиат билан ғоят уйғун бўлади. У туйғулар билан боғлиқ бўлиб, турли ноёб билимларни эгаллаш имкони бўлади. Шу куни кўп вақтлардан бери сизни қийнаб келаётган муаммонинг ечимини кутилмаганда топишингиз мумкин. Майда-чуйдаларга ўралашиб қолмай, муҳим нарсалар ҳақида ўйлаш, ўз қалбингизнинг тубига назар солишга ҳаракат қилинг. Диққатни бир жойга жамлаш омадли бўлади.

Ошқозон-ичак йўлларини даволаш, кучли таъсир этувчи дориларни ичиш, шифобахш ўсимликлар билан даволаниш фойдали бўлади. Бир кунга парҳезни «унутиб», кўнглингиз тусаган таомни истеъмол қилишингиз мумкин. Косметик муолажалар ва тери касалликларини даволаш самарали бўлади. Тишларни даволаш ва сунъийларини қўйдириш тавсия этилмайди. Қорин бўшлиғида жарроҳлик операцияси ҳам ножоиз.

Ҳар қанча ёқимли, ёрқин ва ҳақиқатга яқин туюлишидан қатъи назар, тушларингизга ишонманг.

● **21 декабрь — пайшанба (Ойнинг 25/26 куни).** Ой сайёрасининг шу кунги таъсири одамлар учун қулай бўлади. Турли хил дурдона билимларни эгаллаш имкони бўлади. Шу куни кутилмаганда сизни анчадан бери қийнаб келаётган муаммо ечимини топасиз. Шошқалоқлик қилмай, энг муҳим нарсалар ҳақида ўйланг. Диққатни ҳар қандайига бир жойга жамлаш фойдали бўлади.

Ҳавонинг ифлосланишига сезгирлик ортади, нафаси қисиладиган кишиларда ҳансираш кучайиши мумкин. Ошқозон-ичак йўлларини даволаш, кучли таъсир этувчи дорилар ва шифобахш гиёҳлар фойдали бўлади. Яна бир кунги парҳезни «унутиб», хоҳлаган овқатингизни тановул қилишингиз мумкин.

Тушларингизга ишонманг.

● **22 декабрь — жума (Ойнинг 26/27 куни).** Бу куннинг ахборот-энергетика таркиби инсон учун ғоят ноқулай келади. Янги ишларни бошламаган маъқул. Яхшиси, ўтмишда нималарни тўғри қилгансизу нималарда хатога йўл қўйганингиз ҳақида ўйлаб кўринг. Атрофдагилар билан мулоқотларни иложи борича камайтиринг. Шаҳар ташқарисига саёҳат фойдали бўлади.

Бугун ҳар қандай шифокор аралашуви наф бермайди. Умумуий ҳолатингиз ёмонлашиб, ҳолсизлик, уйқусизлик юз бериши мумкин. Хафақон хасталиги, юрак-қон томир касалликлари хуруж қилиши мумкин. Асаблари заиф одамлар анча ҳушёр бўлишлари керак. Ўзингизни ортиқча толиқтирманг, танангизнинг совиб кетишига йўл қўйманг.

Тушларингиз хазин ва беҳаловат бўлиши мумкин. Лекин улар пуч бўлади. Шунинг учун уларни қанча тез унутсангиз — шунча яхши.

*Алоқа*

# ТЕЛЕГРАФ АХБОРОТЛАРИНИ УЗАТУВЧИ ТАРМОҚ

**Темирйўл тармоқларидаги алоқа каналларини оптик толали линиялар билан жиҳозлаш поездлар қатновини бир маромда бўлишини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётир. Шу сабабли «Ўзбекистон темирйўллари» Давлат темирйўл ҳиссадорлик компанияси ва алоқа хизмати раҳбарияти бу масалага алоҳида эътиборни қаратиб, қатор техник тадбирларни амалга оширмоқда.**

Икки йилга мўлжаллаб тузилган истиқбол режасига биноан компаниянинг 20 га яқин темирйўл бекатларидаги автомат-телефон станцияси рақамли АТСларга айлантирилди. Тошкент темирйўл дирекцияси томонидан олиб борилган бунёдкорлик ишлари туфайли шу яқин орада рақамли телефон станциясига эга бўлинади. У бир йўла минг нафар фойдаланувчига мўлжалланган.

Келгуси йилда узоқ масофали алоқани йўлга қўйиш билан боғлиқ техник жараёнлар амалга ошади. Тошкентдаги мавжуд узоқ телефон алоқани таъминловчи «АТ-ПС-ПД» станцияси қайта жиҳозланади. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, у Қўқон ва Бухоро алоқани таъминловчи станциялар билан уйғунликда «ЦКС-Альфа» рақамли коммутация станциясига алмаштирилади.

Янги станция темирйўл компанияси ҳудудида телеграф ахборотларни узатувчи ягона тармоқ бўлиб хизмат қилади. У 1900 та уланиш нуқтасига эга бўлади.

**Акбар АЛИЕВ.**

*Бугун Тошкентда, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик Катта театрида Қорақалпоғистон Республикаси маданияти кунлари тантанали равишда очилади*



# Дўстлик ва санъат байрами

Ибройим ЮСУПОВ,
Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири

## ТОШКЕНТДАГИ БЕРДАҚ ХИЁБОНИДА

*Орол бўйидаги овулдан келиб,*
*Қутлуғ даврон – Мустақиллик тонгинда,*
*Янги ҳаёт, озод замонни кўриб,*
*Ўтирибсан Тошкент хиёбонинда*

*Тошкент – бул жаҳоннинг улуғ дарбанда,*
*Бағри кенг ўзбекнинг пойтахт, бош кенти,*
*Мангу эҳтиромга бурканиб энди,*
*Ўтирибсан Тошкент хиёбонинда.*

*Сўраганга айтар: «Мен – шоир Бердақ»,*
*Бул нечук ҳурматдир, ҳей қорақалпоқ! –*
*Мармар либос кийиб ўтирмоқ-турмоқ,*
*Кенг шаҳри азимнинг хиёбонинда!*

*Ҳазрат Навоий ҳам мамнун ҳар куни:*
*«Кел, азиз шогирдим, саҳро булбули!» –*
*Деб, мисоли қутлаб тургандай сени,*
*Миллий боғнинг буюк хиёбонинда.*

*Тунлар орасинда булбул сайрасин,*
*Дўст сийласа – мана шундай сийласин,*
*Ошиқлар топишиб, қизлар ўйнасин,*
*Сенинг қутлуғ макон – хиёбонингда.*

Декабрь, 1998 йил, Тошкент.





## ИНЖИҚНИНГ МУҲАББАТИ

**Бердақ номидаги Қорақалпоқ Давлат мусиқа театри асари. Асар муаллифи Кенесбой Раҳмонов. Саҳналаштирувчи режиссёр Баутдин Боймирзаев. Ролларда – Хўжамберган Ойимберганов, Жўлғас Султабоев, Ўмирбой Кўсимбоев ва бошқалар.**

Қорақалпоқ овулларидан бирида бир қариб қолган чол кичик ўғли билан яшайди. Унинг ўғли Гаррибой ўттиз беш ёшга кирган бўлса ҳам инжиқ табиати туфайли уйланмасдан юради.

Одамлар билан учрашганида кўп гапиради-ю, лекин қизларнинг ёнида худди балиққа ўхшаб жим қолади. Ростини айтганда, у севги нималигини билмайди. Шундан бўлса керак уйланиш ҳақида ўйланиб ҳам юргани йўқ, бу хусусда бош қотирмаган.

Уйда аёл киши йўқлигидан нон ёпиш, сигир соғиш, овқат пишириш каби уй ишларининг ҳаммасини ўзи қилавериб, одатлариям хотинларникига ўхшаб қолган.

Шу сабабдан чол инжиқ ўғлини ўзи тириклигида уйлантириш мақсадида қишлоқма-қишлоқ ўз ёнида олиб юради. Гаррибой тортинчоқлигидан бунга қаршилик кўрсатади. Аммо отасининг қаҳридан қўрқиб ноилож бирга боришга мажбур бўлади. Ҳамма овулларни айланиб чиқишади. Гаррибой севгилисини топмайди, битта қиз пакана бўйли, иккинчиси жудаям семиз, учинчиси тили чучукланиб гапиради. На ота, на ўғил шунча кўрган қизлардан бирини ёқтира олса.

У қизлар Гаррибойни кўргандан яхши кўриб қолишади, бир-биридан қизғанишиб, ўзаро уришишга тушишади.

Омадсиз куёвлар уйга қайтиб келганида сигирларидан бири туғолмасдан, қийналиб турганини кўради. Улар шу тобда фермадан ветеринарни чақиришади. Ёрдамга институтни эндигина тугатган ёш ветврач Айшолпан исмли қиз келади. Бу қизни бир кўришда Гаррибойнинг юрагини Амур ўқи жароҳатлайди. Ҳеч бир қизнинг олдида оғиз очмайдиган у бирданига шеър билан Айшолпанга муҳаббат изҳор этади.

Ўғлининг шунчалик ахтариб, ниҳоят севганини топганига ота жуда хурсанд бўлади. Гаррибой эса ўз бахтини топди.



Қандай юрсам экан... Равиль Альбеков олган сурат.

*Мозий*

## УСТОЗ-ПИРНИНГ НАСИҲАТЛАРИ

Узоқ ўтмиш тарихимиздан маълумки, Амир Темурнинг отаси Амир Тарағайнинг устози пири Шайх Шамсиддин Кулол эди. Шамсиддин Кулол ўз даврининг ҳар томонлама фан соҳаларини мукаммал билган буюк олим бўлган. Амир Тарағай ўғли Амир Темур эсини таниган-дан бошлаб, унга фақат устози, пири Шамсиддин Кулол маслаҳатлари, ўгитларига амал қилишни буюради ва бу албатта ҳаётда бажарилишини эслатади. Амир Темур бобомиз устози Шамсиддин Кулолнинг насиҳатларидан бирида шу нарсаларни миясига қуйиб олади. Яъни устози: «Қай ерга бормагин агар у ерда яшаб вафот этиб, дафн этилган буюк сиймолар, алломалар қабрини зиёрат қилиб, иложи бўлса улар қабри устига мақбара қурдиргин ва уларнинг руҳини доимо шод эт. Шундагина сен албатта зафар қучасан».

Амир Темур пирининг бу ўгитларига умр бўйи амал қилди. Яъни 1392 йили Шошга (Тошкентга) келганида Кўкчадаги Шайх Абу Бакр Зайниддин Кўй Орифон мақбарасининг янгидан қурилишига маблағ ажратади ва шу йили Занги ота мақбарасини ҳам янгидан қурдиради. Кейин эса Аҳмад Яссавий мақбарасини қурдирди. Бу ишларининг барчаси Амир Темур бобомизнинг йўлини доимо очиб, зафар, ғалаба келтирган.

Шунинг учун жаҳон тарихчилари Александр Македонскийнинг ғалабаларига унинг устози Аристотель сабабчи деб кўрсатиб, Амир Темурнинг устози Шамсиддин Кулол ҳам унинг энг яқин маслаҳатчиси бўлган деб эслатадилар.

**Илҳом ШЕРМУҲАММАД.**





Тўлибой ҚОБУЛОВ,
Қорақалпоғистон халқ шоири

## БАРЧАМИЗНИКИ!

*Баландпарвоз қушдир Ватан, ростида!*
*Мустақиллик нур бўлди нур устига,*
*Шоҳсанам Ғарибни кутар кўшкида,*
*Бу ойнайи жаҳон — барчамизники!*

*Булбулни тингласанг боғда сайраган,*
*Нурли олам бўлар буткул айлананг,*
*Ўзинг тўйган билан, кўзинг тўймаган,*
*Бу манзил ҳам макон — барчамизники!*

*Ўсиб, камол топиб саломат авлод,*
*Кўзни қувонтириб тўкади савлат,*
*Унга насиб этган озод ва обод,*
*Шу мустақил замон — барчамизники!*

*Фуқароси бир-бирига меҳрибон,*
*Юртбошимиз ғамхўрлиги бир жаҳон,*
*Шарофати авлодларга аталган*
*Бу Турон, Туркистон — барчамизники!*

*Дўст-ёронлар дуруст уқсин узурим,*
*Гул олишиб, диллар топсин ҳузурин,*
*Етиб келди ё ҳазрати Ҳизирим,*
*Шул муқаддас Ватан — барчамизники!*

## ҲИКМАТНОМА

Рўзадорнинг қаршисида овқатланиш одобсизликнинг белгиси ҳисобланади.

* * *

Тутган рўзасини пеш қилиш гуноҳлардан биридир.

* * *

Билмай рўзасини очиб юборганларни Аллоҳ кечирар экан.

* * *

— Рўзадорман! — деб кун бўйи ётиш ҳам Аллоҳга хуш келмас экан.

* * *

Рўза ойлари, айниқса бозор-ўчарларда қоқ пешинда иссиқ овқатларини бақир-чақир қилиб сотмоқчи бўлганлар Аллоҳдан қўрқсин!

* * *

Соғлом бўла туриб, рўза тутмаганлар ҳеч бўлмаса ёмон сўзлардан тилларини тийишлари керак!

* * *

Рўза тутган инсонлардан ҳар қанча яхшилик кутса бўлади.

* * *

Рўзанинг шарофатидан, рўза тугагач катта байрам — ҳайит нишонланади.

**Саидмурод САИДАҲМАД.**

## НИМА, ҚАЧОН, ҚАЕРДА?

**Тошкент шаҳрида Қорақалпоғистон Республикаси маданияти кунларини ўтказиш доирасидаги дастур жуда ранг-барангдир. Қуйида пойтахтимизда ўтказиладиган тадбирлар, ташрифлар, кўргазмалар, саҳна намойишлари тўғрисида маълумот берамиз.**

**БУГУН**

• Улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий ҳайкали пойига анвойи гуллар қўйилди.

• Қорақалпоғистондан келган азиз меҳмонлар пойтахтимиздаги Темурийлар тарихи Давлат музейига ташриф буюрдилар.

• Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик Катта театр биносида «Болалар расмлари» кўргазмаси очилди, театр майдонида эса Қорақалпоқ ўтовлари кўргазмаси ташкил этилди.

• Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар залида Қорақалпоғистон Республикаси рассомлари кўргазмаси очилди.

• Республика қўғирчоқ театрида Қорақалпоқ Давлат қўғирчоқ театрининг «Гулдирсин» спектакли намойиши бўлади.

**ЭРТАГА**

• Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон шоирларининг, Маннон Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институтида, Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтида талабаларнинг маданият кунлари қатнашчилари билан учрашуви ўтказилади. Шунингдек, Бердақ номидаги Қорақалпоқ Давлат мусиқий театрининг «Оти ўчсин» спектакли намойиш этилади. Бундан ташқари Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик Катта театрида Бердақ номидаги Қорақалпоқ Давлат мусиқий театрининг «Адолатга хиёнат» мусиқий спектакли, «Инжиқнинг муҳаббати» спектакли намойиши бўлади, «Баҳор» концерт залида эса Қорақалпоқ филармонияси ва «Айқулаш» ҳамда «Аму тўлқини» ансамблларининг концерти бўлади.

**ИНДИНГА**

• Тошкентда Қорақалпоғистон маданияти кунлари қатнашчилари пойтахтдаги маҳаллаларнинг аҳли билан учрашади.

• Республика қўғирчоқ театрида Қорақалпоқ Давлат қўғирчоқ театрининг «Ҳийлакорлик» спектакли намойиши бўлади.

• Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваториясининг концерт залида Бердақ номидаги Қорақалпоғистон симфоник оркестрининг концерти ўтказилади.

• Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик Катта театри биносида Бердақ номидаги мусиқий театрининг «Ота тақдири» спектаклининг намойиши бўлади.

Бир сўз билан айтганда Тошкентда бугун тантанали равишда очиладиган Қорақалпоғистон Республикаси маданияти кунлари чин маънода дўстлик ва санъат байрамига айланиб кетади.

Муродбой НИЗАНОВ

## УЙЛАНИБ, НИМА...

**Ҳажвия**

— Ўғлим, бояги айтиб юрган қизингни қачон тўй қилиб оламиз, уйланмайсанми?

— Эҳ-ҳе...Эндигина иккинчи курсга кўчди-ку.

— Озми шу? Ўн тўққизга чиқибди! Сен эса йигирма бешдасан.

— Шошилтиравверманг, дада. Ҳали уч йил бор.

— Бўлса бўлар-да, уч йил ҳам гапми? Уйдан кириб-чиқиб юриб, битириб олаверарда.

— Қийин бўлади, дада, қийин.

— Эй, менга ақл ўргатма, бола, нимаси қийин бўлар экан? Олдингда мен бор, онанг бор, қийинчиликни сен ўйлайдиган бўлдингми? Ўйлама!

— Қайдам, дада. Қизни олиб келадиган бўлсам, бир дунё ташвиши бор, ҳозирги вақтда тўй беришнинг ўзи бўладими?

— Оббо... Ҳой, онаси манови бола менинг боламми ёки отамми? Менга ўргатмоқчи бўлаqия?! Менга қара, ҳой бола, бугун ҳафтанинг биринчи куни, олдимиздаги шанба куни тўй қиламиз, тамом-вассалом!

— Дада, шошманг ахир...

— Тўй қиламан дедимми, тамом!

— Яхши, дада, кўндим. Мен уйдаги вазиятга қараб, кейинроққа суриб юрган эдим. Келин бўладиган қиз... бу йилни ҳам қўшиб ҳисоблаганда, тўрт йил шартнома билан ўқийди.

— Нима? Қанақа шартнома? Астағфурилло, ўқиш дегани ҳам шунча узундан-узоқ бўладими? Мен, битиришга чамалашиб қолдими десам? Қўй, ундай бўлса, ўқийверсин. Шошилишнинг ҳеч ҳожати йўқ. Уйланаман эмиш-а...

*Бўш вақтингизда*

## БОШҚОТИРМА



Жавоблар шаклга занжир ва кесишган ҳолда ёзилади.

1.Футбол бўйича Ўзбекистон чемпиони бўлган команда. 2.Оммалашаётган миллий спортимиз. 3.Диний билимлар билимдони, фақиҳ. 4.Қадимда деҳқонлардан олинган солиқ. 5.Маҳаллий буғдой нави. 6.Францияда ишлаб чиқарилган автомобиль русуми. 7.Инсоннинг фикрлаш қобилияти, ақл. 8.Бинокорлик ашёси, қаттиқ тоғ маъдани. 9.Оптик асбоб. 10.Эйфель минораси жойлашган пойтахт. 11.Бош кийимига тақиладиган безак буюм. 12.Дурадгорлик асбоби. 13.Сибирдаги дарё. 14.Амир Темур ҳикматидан: Адоват эмас... енгади. 15.Қозоғистонда пул бирлиги. 16.Халқ латифаларининг барҳаёт қаҳрамони. 17.Яримўтказгичларни тадқиқ этишни бошлаб берган физик олимлардан бири. 18.Шамол кучи билан ҳаракатланувчи кема. 19.Ўсимлик гули шираси. 20.Автомобиль бўлаклари ўрнатиладиган қисм. 21.«Темир хотин» фильми қаҳрамони. 22.Сўзлашув воситаси. 23.Мўъжаз бадиий асар. 24.Ғалла экини. 25.Асли флоренциялик денгиз сайёҳи номи билан аталувчи қитъа. 26.Сўз усталари давра баҳси. 27.Экин майдонини қишки суғориш. 28.Эркакларнинг энг паст мусиқий овози. 29.Металл ўтказгич. 30.Ойбекнинг «Болалик» қиссаси қаҳрамони. 31.Хушбўй пардоз ашёси. 32.Қадимда шаҳар атрофидаги ҳунармандлик маҳаллалари. 33.Электрон лампа.

**МУАММОНОМА**

Шаклдаги рақамларда ўрта аср қомусий алломаси Абу Райҳон Беруний меросига мансуб ҳикматли сўзлардан бири яширинган. Уларни қуйида таърифланиб рақамларда ифодаланган сўзларни топиб улардаги ҳарфлар ёрдамида топиш билан билиб олинг.

1.Фиқҳ илмининг султони ҳазрат Бурҳониддин ал Марғиноний меросига оид мусулмон оламида энг етакчи дарслик ҳисобланувчи нодир асари — 7,4,11,14,8.

2.Эркин Воҳидов қасидаси — 4,5,10,14,5.

3.Одамзотнинг ҳузур-ҳаловат ҳисси — 12,2,6,6,2,13.

4.Ўсимлик аъзоси — 3,2,1,9.

**Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ.**

### ГАЗЕТАНИНГ 1 ДЕКАБРЬ СОНИДА ЧИҚҚАН БОШҚОТИРМАНИНГ ЖАВОБЛАРИ

Ей бўйича ўнгга: 1.«Авесто». 2. Геолог. 3.Ацетон. 4.Мискин. 5.Мадҳия. 6. Оқибат. 7.Каолин. 8.Канада 9. Ананас. 10.Дераза. 11. Долчин. 12. Мехико. 13. Асбест. 14. Адолат. 15. Рисола. 16.Ҳодиса.

Ей бўйича чапга: 1.«Афанди». 2.Газета. 3.Азимов. 4. Микрон. 5.Муслим. 6.Огаҳий. 7.Калвак. 8.Кескич.

**Муаммонома**

**Очқич сўзлар:** 1.Қува. 2. Шерозий. 3.Фард. 4.Ҳаким. 5.Герб. 6. Ўлан.

**Ҳикмат:** Меҳрибон ва раҳмдил бўлмоқ умрнинг ва ризқнинг баракали бўлишига олиб келади.

Кошифий.

(Давоми. Боши газетанинг 133,136,139,142-сонларида).

Эй дарвешлар мен ўзимга айдимки, бир неча муддатдурки бу шаҳарда юрарсан ва бирор комил кишини топмадинг, бундан беҳроқ йўқки иродот қўлини бу девона домиға ургайсен, деб девона орқасидин равона бўлдим. Халқ мени йўлимни тўсиб, эй жавони ғариб қаён борурсан, мағар ўз жонингдан тўйганмусен. Эй дарвешлар, мен ҳам ўзимни девоналикка урдим, алар насиҳатини эшитмадим. Бу орада бир дардманд киши пайдо бўлиб, ул айдики, эй ёронлар бул девонадин қўл тортинглар «девона девонани кўрса ҳуши келгай». Ул кишини сўзини эшитган халқ мени қўйиб юбордилар ва мен ул шер монанд йигит орқасидан равона бўлдим. Ул йигит кетиб борар, ҳаргиз орқасига қарамас эрди. То уйининг эшигига етди ва ичкарига кириб кетди. Мен эшикда ҳайрон турардим. Бир лаҳзадан сўнг бир ғулом чиқиб келиб, мени ичкарига олиб кирди. Кўрдимки ажиб бир боғи босафо ва иморати олий шоҳнишин бузург эрди. Ул йигит анда ўлтириб эрди. Анда бир тахт қўйибдурлар ва ул тобутни бул тахт устига қўйибдурлар, тобут устида шам ёниб турарди. Ул йигит шамширини олдига қўйиб, бошини эгиб хаёл суриб ўлтирарди. Чун мен унинг ҳузурига яқинлашдим, тил очиб салом қилдим ва ер ўпиб таъзим қилдим. Ул девона йигит бош кўтариб айдики, эй жавонмард сенга нима бўлдики мени орқамдан бош уриб келасан, бошингдан умидинг йўқми? — деб, қўлидаги қилични мен томонга ҳавола қилди. Ман бўйнимни эгдим, жойимдан қимирламадим ва айдим, диннинг ҳаққи-ҳурматики мени ушбу дунё ташвишларидан халос қилғинки, тириклик менга ҳаромдир. Ул йигит қўл тортди, аммо қулоғим остига бир тарсаки урдики мен беҳуш бўлдим. Бир лаҳзадан сўнг ҳушимга келиб, бошимни ул йигитнинг тиззасида кўрдим. Одоб юзасидан ўрнимдан сапчиб туриб, унинг рўпарасида тик турдим. Ул жавонмард айдики ўлтирғил! Сўнгра, эй марди бечора нима касбинг бордурки ақл сарриштаси қўлингдан кетибдур, гўёки пичоқ устухонга етибдур ва ўз жонингдан тўйибсан? Ҳеч бир кимса мени ҳузуримга

*Донишмандлар хазинасидан*

## ИККИНЧИ ДАРВЕШ ҚИССАСИ

келаолмас эрди. Алҳол сен мени орқамдин эргашиб келурсан. Мани ўзингга забун қилдинг. Энди ҳар нима бўлса ростини айтгил, мени сенга раҳмим келадир!

Эй дарвешлар, менга андоғ йиғи келдики, чандон йиғладимки, ул йигит ҳам мени аҳволимга йиғлади. Кўп йиғлаганимиздан сўнг ул йигит айдики, эй дил сўхта, ўлтирғил ўз аҳволингдан манга хабар бергил токи ҳар қандай матлабинг бўлса ўрнига етказай, қўлимдан келадиган иш бўлса ҳаммасини бажо келтирурман, шарт улдурки ҳеч нарсани мендан пинҳон қилмагайсан – деб, кўп илтифотлар қилди. Эй дарвешлар, мен ҳам барча кўрган ва эшитганларимни бир-бир баён этдим. Ул саҳрода кийик воқеасини шарҳ қилдим. Сўнгра ул йигит фикрга толди. Бир лаҳзадан сўнг бош кўтариб айдики бу чийсубурида (сочи қирқилгур) нима фитналарни мардум бошига солмайдур деб афсус еди. Ул шер сурат айдики, ул шаҳзодаки бу маликанинг орзусида эрди, ситам билан ўлди. Ҳоло ул қиз мусулмон бўлган. Агар шундай бўлмаганда сени ҳам ул қафасда ўлган шаҳзода ёнига юборур эрдим. Энди санга саломатликни бахшида қилдим. Эй жавони ғариб, билгил ва огоҳ бўлгил ким, ўшал кечаки вазирға ўқ отиб ўлдирган мен эрдим. Бу мунаққаш (нақшинкор) тобут ўшал шаҳзодамни тобути эрур ва ман анинг ғуломзодаси эрурман. Ман ул шаҳзоданинг фироқида кўча ва бозорда юрурман. Подшоҳ чун ғазабланиб манинг аҳволимни кузатар эрди, ман парво қилмас эрдим. Ман подшоҳдан бўлак ҳар кишики ул мазлум ҳақига зулм қилғон бўлса ани ўлдирдим. Охир подшоҳ ўзи келиб, қафасдаги шаҳзодани ўлдирди. Ўшал кундан бери бир ойда бир мартаба бу тобутни шаҳарда айлантириб, охират расми – таъзияни янгилайман ва халойиқ манга ҳар нима деб маломат қилсалар-да, ман золимларни ўлдирмак учун ҳаргиз йўлимдан қайтмайман. Сен унинг учун кўп жабр ва озор топибсан, энди ман ўзимга лозим кўрадурманки, уни санга кўрсатурман. Зеро бу иш мендан бўлак ҳеч кимнинг қўлидан келмайдур. Ани кўрмакликни Оллоҳ санга насиб айлаб, мани санга меҳрибон қилди. Аммо, бир шартни ўртага солурманки, вақтики ани кўрарсан оҳу нола ва зори қилмағайсан, зеро бундай қилиш маслаҳатдин эрмас. Агар қоидага хилоф иш қилсанг, сени икки пора қилурман – деб, муқаррар қилди. Ман эй жавонмард «ошиқ дилнинг таҳаммул сабри бор» – дедим. Ул йигит табассум қилиб дедики, бугун кечаси дам олиб, эрта офтоб чиққанда борайлик.

Алқисса эй дарвешлар, эртаси тонгда ул жавонмард қуролланиб чиқиб келди ва ғуломга буюрдики бир бош-оёқ либос келтириб манга кийизгай ҳамда сочимни олдиргай. Ман сочимни олдириб, либосларни кийганимдан сўнг, тобутнинг бир томонини менга яна бир томонини ўз ғуломига кўтартириб, ўзи олдинда йўлга тушдик. Қанча йўл босганимиздан сўнг бир боғ эшигига етдик. Ул боғ эшигида турган посбонлар бу йигитни кўргач, ҳаммалари қочдилар, биз боғга кирдик. Боғни ўртасида бир анҳор бор эрди, ариқнинг ҳар икки томони дарахтлар билан ўралган эди. Йигитнинг ишорати билан тобутни ерга қўйдик. Ул йигит бир наърайи жигарсўз қилдиким, бутун боғ ларзага келди. Ногоҳ кўзим гулзордаги саккиз қиррали мармар айвонга тушди. У ерда оёқлари олмосдан ишланган, усти заррин шокилали ҳошия тутилган асл оқ мато билан ёпилган чодир бўлиб, тагида тиллакорлик билан ишланган маснад (тахт) турар, устида зарбоф ёстиқлар ётарди. Йигит тобутни унинг устига қўйдирди. Мен бу манзарани кўриб ҳушимдан кетдим. Бир замондан сўнг ҳушимга келдим ва кўзимни очиб ул сарвинозни кўрдим. Зар рўмол қўлида эрди. Ул йигит анинг муқобилига келиб ўлтирди. Ул йигит нақл қилур эрди, ул нозанин санам эшитур эрди. Йигит сўзини тугатгач ул гулфизор йиғларга тушди.

**Турғун ФАЙЗИЕВ тайёрлаган.**
**(Давоми бор).**

